

АДАБИЁТШУНОСЛИҚНИНГ ДОЛЗАРЪ ЖАСАЛАДАН

ЖАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТАҚЛИФНОМА ВА ДАСТУРИ

CONTEMPORARY PROBLEMS
OF LITERATURE CRITICAL STUDIES

INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

INVITATION AND PROGRAM

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

ПРИГЛАШЕНИЕ И ПРОГРАММА

80



ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ:

Раис:

Н.Маҳмудов ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти директори

Аъзолар:

М. Асадов ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти директори муовини, ф.ф.д., проф.

Б. Тўхлиев ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти профессори, Адабиёт назарияси ва
адабий алоқалар бўлими мудири, ф.ф.д., проф.

Қ. Қаҳрамонов Ўзбекистон Миллий Педагогика университети
профессори, ф.ф.д.

Г.Сатторова ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти катта илмий ходими, ф.ф.н.

М.Кўчқорова ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти профессори, ф.ф.д.

Б. Мирзаева ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти илмий котиби

М. Ҳакимов ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти катта илмий ходими, PhD. (котиб)

Ш.Ахмедова Осиё халқаро университети профессори,
ф.ф.д.

О. Каримов НамДУ доценти, ф.ф.н.

З. Мирзаева Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
INSTITUTE OF UZBEK LANGUAGE, LITERATURE AND FOLKLORE
UZBEKISTAN WRITERS' ASSOCIATION
THE WRITERS' UNION OF UZBEKISTAN
THE NATIONAL PEDAGOGICAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN
THE UNIVERSITY OF JOURNALISM AND MASS COMMUNICATIONS
OF UZBEKISTAN
THE ASIAN INTERNATIONAL UNIVERSITY
INSTITUTE OF ISFT
International scientific conference on the topic
TOPICAL ISSUES OF LITERARY STUDIES

АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА
АССОЦИАЦИЯ ПИСАТЕЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫМ ПЕДАГОГИЧЕСКИМ УНИВЕРСИТЕТ
УЗБЕКИСТАНА
УНИВЕРСИТЕТ ЖУРНАЛИСТИКИ И МАССОВЫХ КОММУНИКАЦИЙ
УЗБЕКИСТАНА
АЗИАТСКИМ МЕЖДУНАРОДНЫМ УНИВЕРСИТЕТ
ИНСТИТУТ ISFT
Международная научная конференция по теме
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОСИЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

ISFT ИНСТИТУТИ

*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик
Бахтиёр Назаров таваллудининг 80 йиллиги муносабати
билан ташкиллаштирилган*

АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий конференция

МУМТОЗ БАДИИЙ МАТН ТАЛҚИНИ МУАММОЛАРИ (АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Манзар Абдулхайров,

ТошДЎТАУ профессори, ф.ф.д.

Аннотация. Ушбу мақолада Навоий асарлари мисолида илк бор мумтоз бадиий матн талқини муаммолари монографик планда тадқиқ қилинган. Бадиий талқин истилоҳининг тарихий ва назарий асослари ёритилган. Айни муаммони ўрганишда Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” асарларидаги айрим бадиий образ, бадиий тимсолларга мурожаат этилган. Лозим ўринларда жаҳон бадиий талқин усуллари тадқиқот доирасига тортилган.

Калим сўзлар: мумтоз адабиёт, структурал талқин, герменевтик талқин, семиотик талқин, имманентлик, функционалик, рецепция, асар структураси, рамз, мажоз, тимсол, шарҳ.

Abstract. In this article, on the example of Navoi's works, for the first time, the problems of classical artistic text interpretation are studied in a monographic plan. The historical and theoretical foundations of the revolution of artistic interpretation are covered. In the study of this problem, some artistic images and artistic symbols in Alisher Navoi's works "Khazayin ul-Maoni" were addressed. In necessary places, world artistic interpretation methods are included in the scope of research.

Keywords: Classical literature, structural interpretation, hermeneutic interpretation, semiotic interpretation, immanence, functionality, reception, work structure, symbol, metaphor, symbol, interpretation.

Адабиётшуносликда мумтоз бадиий матн талқини ва у билан боғлиқ масалалар кўп олимларнинг тадқиқот объекти бўлган. Лекин ҳануз Навоий асарлари матнининг тағмаъно қатламларини теран мушоҳада қилиш ва очишда бир талай муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабабларидан бири собиқ Иттифок даврида Навоий асарлари бўйича амалга оширилган бадиий ижодга бир ёқламалик нуқтаи назаридан ёндашилганлигидадир.

Мустақиллик даври навоийшунослиги ўзини-ўзи муҳофаза қиладиган даражада билим, ўзини-ўзи хато ва камчиликлардан қутқарадиган савияда ўткир дид ва мушоҳадага эришмоғи жоиздир. Ҳолбуки, улуғ шоирнинг биргина байтини ҳар жихатдан ўрганиб, зоҳирий ва ботиний маъноларини, санъатини қойиллатиб талқин этиш, ўнлаб ғазалларга битилган саёз таҳлиллардан афзалдир. Албатта, ҳозир бадиий асар структураси, *семиотикаси* (белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганади) бўйича баъзи ишлар амалга оширилмоқда. Уларда матннинг тағмаъносини тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, *имманентлик* (бирор предмет, ҳодиса ёки жараённинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган қонуният) ва *функционаллик* (муайян муносабатлар системасида объект хусусиятларининг ташқи намоён бўлиши, бажараётган вазифаси) тамайиллари келиб чиқади.

Ролан Барт фикрича, “Имманент, дохийий тадқиқотнинг мақсади – муайян объектда тузилиш, алоқа ва ўзаро муносабат структурасини қай тарзда ташкил топишини ўрганишдан иборатдир. Бунинг натижасида асар бир бутун яхлит ҳолда, ўзига хос система, тузилма сифатида намоён бўлади”. Шу тариқа, илмий метод воситасида асарнинг яхлитлиги ва ўзига хос система сифатида намоён бўлишини аниқлаш пировардида унинг нисбатан тўғри эканлигини намоён қилади. У бор эътиборни матнни “тушунтириб бериш”да муаллифнинг тажрибаси ва қизиқишлари ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини ёқлаб чиққан. Олим эътирофича, ушбу метод аниқ ва қулай, бироқ амалда ишончсиз ва талай камчиликларга эга: “Матнни муаллиф ёзди” деб уни шунга мос равишда талқин қилиш “матнга чеклов қўйиш” демакдир. Матнни тўғри талқин қилиш мақсадида ўқувчилар бадиий асарни муаллифга эътибор бермаган ҳолда ўқиб чиқишлари лозим”.

Лекин структурал талқин билан шуғулланувчилар бадиий асар услуби масаласига унчалик эътибор беришмайди”[1:4]. Шунга қарамасдан, структурализм методологиясидан фойдаланиш асосан икки соҳада, яъни адабий асарларни семиотика нуқтаи назаридан таҳлил қилишда ҳамда муайян жанр (роман, трагедия, қисса)ларда сюжет негизини ташкил қилган комбинация ва вариациялардан иборат структураларни таҳлил қилишда олиб борилмоқда. Шу билан бирга, структур поэтиканинг *нарратология* (хикоя қилиш назарияси) соҳасида тадқиқотлар олиб боришда ҳам аҳамияти каттадир. Бу фикр, яъни матнни тадқиқ этишнинг бадиий таҳлил усули

Навоий асарлари бўйича амалга оширилаётган тадқиқот ишларига ҳам тегишли. Шу ўринда шуни айтиш жоизки, христиан нуқтаи назари билан, ислом нуқтаи назари ўртасида жуда катта фарқ бор”. Айнан шу фарқ ва тафовут ҳисобга олинмаслиги сабабли Навоий лирик қаҳрамонлари дунёқараш ва шахсияти ёритилган айрим тадқиқотларда шеърий матндаги асл моҳият ва ҳақиқатга ҳеч мувофиқ келмайдиган фикр-қарашлар илгари сурилади. Бунинг бош сабаби эса матннинг ғоявий-бадиий таркибини тўғри ва теран мушоҳада этмасдан рус адабиётшунослигидаги илмий-назарий тушунча ва хулосаларни унга татбиқ қилганлигимиздир. Шахс ва шахсият комиллигини Навоий қандай англаб, қанақа даражаларда талқин қилган бўлса, илмда худди шундай тарзда кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Мумтоз бадиий матн таҳлили матнни синчиклаб ўқиш ва уқиш демакдир. Кўпинча, поэтик матн тадқиқи дейилганда, асосан ғоя ва мазмундан баҳс юритиш, вазн, қофия, бадиий санъатлар хусусида сўзлаш тушунилади. Унда матннинг тағмаъно қатламларини очиш, матн моҳиятини чуқур англаб етиш, ҳатто матндаги ҳар бир сўз, ҳар бир ибора маъноларининг жилоси, ранги ва бадиий тафаккури ўз адабий ечимини топиши шарт. Акс ҳолда, бадиий матн таҳлили концепциясидаги айрим масалалар ўз ечимини топмай қолиши муқаррар. Зотан, бу масалага адабиётшунос олим Абдуғафур Расуловнинг куйидаги мулоҳазалари янада аниқлик киритади: “В.Изернинг таъкидлашича, адабий матнда яширин (имплицит) китобхон фаолият кўрсатади. У ҳамиша реал китобхон билан рўбарў келади: асарнинг эстетик бойлиги имкониятини реал китобхонга юктиради. Адабий матндаги бадиийлик кутби ўзгармаган ҳолда, эстетик кутб – имплицитив китобхон реал китобхон таъсирида ўсиб, ўзгариб боради – замоннинг эстетик-маънавий эҳтиёжларига юз буради. Шундай асарлар борки, китобхон (танқидчи)даги эстетик эҳтиёж бойиб, ортиб бораверган сайин матндаги захира қаватлар, имкониятлар ўзини намоён эта боради. Буни В.Изер маънолар зич, тиғизлигининг континууми (қат-қатлиги), дейди. Адабий матн ҳеч қачон бир йўналишдаги ахборот ёхуд хужжат сифатида қабул қилинмайди. У ҳамиша, ҳар қачон маънолар кўп қаватлилиги, зичлиги манбаидир. Бадиий матн талқин қилинган реаллик ортида юз кўрсатган яна аллақандай тушунчалар, ҳолатлардан хабардор қилиши жоиз”. Демак, матн устида иш олиб бораётган тадқиқотчи матнни нафақат ақлий билимлари воситасида, балки билвосита қалб билан чуқур англаши ва уни ўзида

шакллантириши мақсадга мувофиқдир. Навоий ғазаллари таҳлилида шуларни ёритишга уриниш керак. Аксарият ҳолларда шоир ижодиётни англашдан бенасиб қоламиз. Ўз-ўзидан нима сабабдан шундай деган савол туғилади?

Шу ўринда шуни айтиш жоизки, ҳар бир миллат қадриятларининг бадиий матнда ифода топиш йўсини, халқаро нуфузи – халқининг муайян ахлоқий анъанавийлик тамойилларига риоя қилиши, бардавом ахлоқий анъанавийлик негизида тимсоллар яратиши билан белгиланади. Зотан, у ёки бу миллат шоирларининг бадиий услуби, шеъриятидаги поэтик образ, рамз ва тимсолларнинг жилоси диний-ахлоқий анъанавийлик заминидан баҳра олиб, ривожланади. Диний-ахлоқий қарашлар зимнидаги анъанавийлик, бу – муайян бир соҳанинг анъанавий-ахлоқий негиз аурасида келажакда тадрижий ривожлантирилиши, муваффақиятли бардавомлиги, янги-янги жиҳатлари инкишоф этилиши зарур бўлган руҳоний-ахлоқий ҳодисадир. Хусусан, Навоий назмиёти ҳақида сўз юритганда бардавом анъанавийликнинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратмоқ жоиз.

Мумтоз бадиий матнни таҳлил қилишда *герменевтик талқин усуллари* ҳақида сўз бошлар эканмиз, адабий герменевтиканинг йирик намояндалари сифатида Д.Б.Медисон, Г.Силверман, Й.Грондин ва Э.Тисельтонлар ўз ишларида Гадамер ғояларини таракқий топтириб, асосан постмодернизм намуналарининг матн хусусиятларини ўрганганларини қайд этиш лозим. Бу борадаги тадқиқотлар Россияда М.М.Бахтин, Д.С.Лихачев ва В.В.Виноградовларнинг бадиий матнга оид ишларида кузатилади. Ўзбек адабиётшунослигида Б.Назаров, А.Эркинов, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, Д.Салоҳий каби олимлар герменевтик тадқиқотлар доирасини тўлдиришга интилганлар.

XIV асрда Европада тушунтириш, талқин санъатига асосланган адабий герменевтика бадиий матнни тушуниш жараёнини унинг архитектуроник имкониятлари доирасида ўрганадиган фандир. “Архитектоника” термини юнонча *arhitektonike* “қурилиш санъати” маъносида қўлланади[2:13]. Бу услуб Европа матншунослиги фани оламида ёзув ёдгорлик матнини теран англаш, уларнинг матний маъноларига чуқур етиб, таҳлил этиш усули сифатида донг таратди. Адабий герменевтик таҳлил усули асосида ҳам Алишер Навоийнинг асарлари тадқиқ этилган[3:3]. Герменевтик таҳлилни

Ўзбек адабиётшунослигига олиб кирган адабиётшунос олимлардан бири Афтондил Эркинов бўлди. Мазкур матний тадқиқ этиш усули матншунос олимлар томонидан ўз даврида ҳам ижобий баҳоланди. Кейинчалик ҳам бадиий асар матнини ўрганишда бу усулдан кенг миқёсда фойдаланилди. Ҳозирги ўзбек матншунослигида герменевтиканинг муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилмоқда. Бу усул икки тушунчани ўзида мужассам этган: 1) матн талқини назарияси ва амалиёти; 2) замонавий фалсафадаги оқим. Демак, бадиий асарни матний тадқиқ этишнинг яна бир усули герменевтика деб номланган. У ёзув ёдгорликлар матнининг тағмаъносини очиш усули бўлиб, ҳозиргача муайян ўзгаришлар билан етиб келган қадимги матнларнинг дастлабки маъносини қайта тиклашга қаратилган бир таълимот ҳисобланади. Шунингдек, у ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликларнинг ҳақиқий, асл матнини тиклашга ва унинг мумтоз адабиётимиз тарихидаги ўрни, аҳамиятини кўрсатиб беришга қаратилган матний тадқиқот усуллари мажмуини ташкил этади. Бу соҳа таҳлил йўсинининг асосий назарий тамойиллари қуйидагилардан иборат: а) умумий контекстуал талқин тамойиллари; б) шу соҳа доирасига кирувчи талқин усуллари; в) муаллиф назарда тутган аниқ мақсад ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда матннинг тарихий-тадрижий ва ижтимоий-сиёсий шароитдаги ҳаёти, унда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва унинг бошқа қўлёзма нусхалари таҳлили; г) муаллиф мантиқий фикр-мулоҳазалари маъноларини очиш; д) таҳлилда муайян матннинг юзага келишида бевосита ёки билвосита аҳамиятга эга бўлган прагматик имкониятларга ҳам асосланиш. Яъни қўлёзманинг яратилиш жараёни, муаллиф шахсияти ва ижодиётига доир биографик маълумотлар, асар муаллифининг услуги каби барча масалаларга таянишдир.

Ҳазрат Навоий бадиий асарни, унинг маъно-моҳиятини тушунишни шеършунослик, деб атаган экан. Биз ҳам шунга мувофиқ равишда шеръшуносликни асар тилини тушуниш, унинг ғоясини англаб етиш, бинобарин асар матни таҳлили орқали талқин билан амалга ошириладиган герменевтик шароит деб ҳисоблаймиз. Афтондил Эркинов шундай эътироф этади: “Бизнингча, герменевтика – талқин назарияси ва таълимотини ўзбек адабиётига кенг татбиқ этиш даври келган. Аслида, ҳар бир адабиётшунос олим ўз тадқиқотида асар матни талқини билан шуғулланади, қайсидир даражада герменевтика билан муносабатга киришади. Бироқ олимларимиз

интерпретация масаласида муайян ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бу атама ва фалсафий таълимот фанимиз учун нисбатан янгиликдир. Герменевтика таълимот сифатида Ғарбда шаклланган, бироқ ўзимизда матн талқинининг ўндан ортиқ йўналишлари, жумладан, тафсир, илми хошия, шарҳ битиш, миниатюра... каби талқин билан боғлиқ мустақил соҳалар аввалдан мавжуд бўлган. Герменевтикани ўзбек классик адабиётига доир манбаларга татбиқ этиш, уни замонавий ўзбек адабиётшунослигига олиб кириш лозим” [3:4].

Берилган матннинг бадиийлиги, эмоционаллиги, таъсирчанлиги, тасвирийлиги ортида ижодкорнинг, у тегишли бўлган халқ ва умуман инсониятнинг фасоҳати, англаб етилган ёки англаб етилмаган фасоҳати замирида, минглаб авлодларнинг орзу-умидлари, тилаклари, эстетик дунёси, қалб манзаралари тасвири мужассам бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси герменевтиканинг бадиий тилга асосланган матн имкониятлари замирида ўрин топади” [2:48]. Буни “Фавойид ул-кибар”нинг 343-ғазалидаги бир матлаъ шарҳи мисолида кўришимиз мумкин.

*Тоза доғ атрофида жисмимда тим-тим қон кўрунг,
Дарду ғам тоғида, ваҳ-ваҳ, лолаи Нўмон кўрунг.*

Маълумки, мумтоз адабиётда *доғ* сўзи “куюк”, “куйган жой”; “қоралик”; “қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги, “нишон”, “нақш”, “из”, “жароҳат” ва “ғам-андух”, “қайғу- алам” сингари маъноларда келади. *Тим* сўзи эса, “томчи”, “қатра”; “қатта қарвон сарой”, “усти ёпилган бозор”, “раста”; “ғам”, “андух” сингари маъноларда келади. Байтда эса, *доғ* ва *тим* сўзларини бадиий маъно оламидаги чексизлик жараёни сари қўлланилган тушунчалар дейиш мумкин. Биринчи мисра ҳасби ҳол руҳида ёзилган бўлиб, мазмуни қуйидагича: жисмимдаги янги жароҳат атрофида пайдо бўлган қатра-қатра қонни кўринг. Бу худди дарду ғам, яъни гўё ғам тоғи теварагидаги *лолаи Нўмон* (қизил лола)га ўхшайди. Матлаънинг ботиний маъноси эса қуйидагича: чуқур қайғулар боис кўнглимда ғам-андух усти ёпиқ бозордаги шовқин мисоли ҳаракатланади. Бу худди гўё асрлар давомида шакллаган дарду ғам тоғининг оқ нолалари туфайли унда пайдо бўлган қизил лола аъмолига менгзашдир. Бу матлаъда шоирнинг бағоят бир ички сукути ҳукм суриб, бу тарз унинг бутун мазмун-моҳиятини, аниқроғи,

чин ошиқнинг ботиний аҳволи руҳиясини яққол намоён қилади. Аммо ушбу байтда тажохул ул-ориф санъати қўлланилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг замирида яна бир бошқа маъно ҳам борлиги маълум бўлади. Атоуллоҳ Хусайнийнинг ёзишича: “*Тажохул ул-ориф*” андин ибораттурким, сўзлагучи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур. “*Мифтоҳ*” соҳиби бу санъатни *суқу-маълум масоқа гайрих*, яъни маълум сўзни номаълум ўрнида юрутмак деб атаптур ва дептурким, мен бу санъатни *тажохул* деб атамоқни севмасмен, сабаб улдурким, Тенгри таолонинг каломинда воқеъ бўлуптур, Аллоҳ, тоборака таоло дептур: инна ав иййакум лаъала худан ав фи залалин мубин, яъни ҳақиқаттабиз ё сиз ҳар холда тўғри йўлдамиз ё йўлдан очиқ озғанмиз. Бу ояттағи маълумни номаълум йўл била ифода эткан нукта куфр аҳлига арз этилмиштур” [4:132]. Яъни, байтда *доғ* ва *тим* сўзлари *лолаи Нўъмон* орқали ўзаро боғланади. Мумтоз адабиётда Нўъмон турлича талқин этилган: масалан, араблардаги Тоиф шаҳри яқинидаги дарёнинг номи деб ҳам фараз қилинган. Лекин форсий луғат манбаларга кўра, Нўъмон подшоҳ бўлиб, у аслида тоғдан лола келтириб, парвариш қилгани учун унга *лолаи Нўъмон* деган нисбат берилган[5:603]. Ҳақиқатан ҳам, ўтмишда шундай нисбатли шахс бўлган. Тарихий манбада қайд этилишича, бу тарз шундай рамзий тус олади: ажам мулкида Яздигирд Бинни Баҳром деган бир золим подшоҳ бўлиб, у 8 йил деганда бир ўғил фарзанд кўради, лекин негадир ўғлини ўша подшоҳ Нўъмон бинни Мунзирга топширади. Нўъмон унинг ўғлини, яъни Баҳромни худди тоғ лоласи сингари хушхаво ерларда яхши тарбия қилган. Кейинчалик, аниқроғи, отаси вафотидан сўнг, Баҳром Нўъмон ёрдамида золим отаси подшоҳлигини қўлга киритади. У отаси бузган ишларни тузади ва мамлакатда адолат ўрнатади... [6:234]. Шоир умидича, Хусайн Бойқаро ҳам гўё шундай йўл тутганда эди, балки унинг мамлақати келажаги ҳам ана ўшандай тоза булоқ сувини ичиб унган тоғ лоласидек қобил фарзанд кўлига ўтган бўлар эди. Эҳтимолки шундандир, улуғ шоир ушбу ғазални битаётганда унинг тахайюли бир муддат “Мажолис ун-нафоис”нинг 8 мажлисида шоҳ ва шоир Хусайн Бойқаро ғазалларидаги ўзи шарҳлаган бир байт таҳлили сари ўрлашган бўлса, не ажаб: “Манзурнинг лаби табассумини ва ўзини қоналғон доғини ғунчаи хандон ва *лолаи Нўъмон*га ташбих қилибдур ва маъниси шеър саноеъидин “тажохул ул-ориф” услубида хуш воқеъ бўлуптур:

*Айлади лаъли табассум, гунчаи хандон эмас,
Догини кўнглум қонатти, лолаи Нўъмон эмас.*

Хулоса қилиб айтганда, Навоий асарлари матнини талқин қилиш унинг назм-наср тарзида ёзилган манбалар эканлигига биноан, назмий ва насрий асарлар матнини ўрганишга қўйилган талаблар асосида комплекс текширилишни тақозо қилади. Семиотик талқин улуғ шоир асарлари матнининг бадий, илмий, тарихий мавзудаги барча асарлари учун ҳам жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Назаров Б. Бадий асарда матн ва манба муаммолари/ “Мумтоз адабиётни ўрганиш ва ўргатишнинг назарий-услубий жиҳатлари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари.– Т., 2010. –Б.189–196; Расулов А. Концепция зарурати//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. № 49. –Б.4.
2. Тожибоев М., Юсупова Ш., Бўриева Э. Адабий герменевтика ва мумтоз бадий тил. – Т.: Университет, 2013. – Б.13.
3. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV–XIX аср манбалари: филол. фан. докт. ... дисс. – Т.: ЎзРФА, 1998. – Б.4.
4. Хусайний А. Бадоеъ ус-саноеъ/Таржима, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов.– Т.: Гафур Гулом нашриёти, 1981. – Б.132.
5. Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX) Т.1. –М.: Советская энциклопедия, 1969. –С.603.
6. Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам/Мукамал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 2000. – Б.234–235.

Мақола муаллифи ҳақида маълумот:

Абдулхайров Манзар Хусанович. Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ Ўзбек адабиёти тарихи ва матнишунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори.

*Ish joyi: Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti
universiteti, Yusuf Xos Hojib ko'chasi 1-uy, Tashkent 100100, O'zbekiston*